



“10” август 2020 й. № 01-06/1922

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари (конструкциялари
эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилаётганлиги кузатилмоқда.

Хусусан, товар ишлаб чиқарувчи (иш, хизмат) кўрсатувчи корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар рекламаларида истеъмолчиларга қўлайлик яратиш, уларни таклиф-эътирозларини оператив кўриб чиқиш мақсадида Call центр, ишонч телефонлари, қисқа рақамлар ташкил қилиниб, рекламаларда мазкур хизматларнинг 24/7 (24 соат, ҳафтада 7 кун) режимида ишлаши тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилиши кузатилмоқда.

Ўз наватида, реклама ахборотидаги маълумотлар амалдаги ҳолатга мос келмаслиги истеъмолчиларнинг маълумот олишга бўлган ҳуқуқлари бузилишига ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шартлиги белгиланган.

“Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир. Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишингиз, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларга олдини олиш мақсадида, рекламаларда товар (иш, хизмат) тўғрисидаги муҳим маълумотлар тўғри ва тушунарли бўлишини таъминлаш сўралади.

Директор



Э.Хаитметов